

6/2019

ISSN 2181-8495



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

*Тадқиқотларни рағбатлантириш
ва натижаларни оммалаштириш*

Молия ва Банк иши
(электрон илмий журнал)

Finance and Banking
(electronic scientific journal)

**Чоп этувчи ташкилот:
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси**

Манзил: Ўзбекистон, 100000, Тошкент. Мирзо Улугбек тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16

имкониятлари

Инвестициялар ва инвестицион фаолият

- Нематуллоев С.С.** Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларида кичик бизнес субъектларида инвестициялардан фойдаланиш 138
- Саипназаров Ш.Ш.** Молия инжиниринги концепцияси асосида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш 146

Макро ва микроиқтисодиёт

- Илёсов А.А.** Ташқи иқтисодий фаолиятда вужудга келаётган айрим муаммолар, салбий омиллар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар 157

Солиқлар ва солиққа тортиш

- Гиясов С.А.** Инновацион фаолиятни ривожлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш 163
- Хасанов О.М.** Экологик хавфсизликни таъминлашда чиқиндиларни қайта ишлашни такомиллаштириш ва солиқ механизмларидан фойдаланиш 174

Менежмент ва маркетинг

- Азимова Ф.П.,
Мавлянбердиева Х.М.** Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик корхоналарининг ипакчилик тармоғини ривожлантириш истиқболлари таҳлили 179
- Муминова Э.А.** Корпоратив молиявий бошқарув жараёнини рақамлаштириш: электрон тижоратни амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси 184

Пенсия иши

- Имомов М.О.** Хусусий пенсия фондларида инвестиция портфелини шакллантириш ва бошқаришнинг хориж тажрибалари таҳлили 190
- Шерматов Ш.А.** Пенсия таъминотининг иқтисодий ва молиявий ҳолатига таъсир этувчи омиллар 197

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА ВУЖУДГА КЕЛАЁТГАН АЙРИМ
МУАММОЛАР, САЛБИЙ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА
ТАКЛИФЛАР**

Илёсов А.А.

Фарғона политехника институти

Аннотация: Ушбу мақолада ташқи иқтисодий фаолият таҳлил қилиниб, унинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти, принциплари, унга таъсир кўрсатувчи салбий омиллар ўрганилган. Таҳлил асосида мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: кичик иқтисодиёт, кўпайтирувчи эффект, протекционизм, пул ўтказмалари, ташқи иқтисодий фаолият, тариф чеклашлари, экспорт.

1. Кириш

Маълумки, миллий бозор иқтисодиётини ривожлантириш жараёнида мамлакат ўз ичига ва бозор иқтисодиёти йўлидан бораётган бошқа давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйибгина яшай олади. Шунингдек, биз шуни ҳисобга олишимиз керакки, замонавий глобал иқтисодиёт турли даражадаги ривожланиш босқичидаги давлатларни ўз ичига олади: баъзилари жаҳон ялпи ички маҳсулотига салмоқли улушга эга иқтисодий ривожланган (АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада ва бошқалар), ривожланаётган ва Жаҳон банкининг 2018 йилга маълумотларига кўра 47 та кам ривожланган давлатлардир.

Бугунги кунда мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятида савдо баланси сальдоси даражаси сезиларли салбий томонга ўзгарганлиги, яъни экспортга қараганда импорт ошганлигини кўришимиз мумкин. Қуйида биз ушбу жиҳатларни инобатга олиб ташқи иқтисодий фаолият таҳлили асосида экспортга таъсир қилувчи айрим салбий муаммолар, экспорт ҳажмини ошириш бўйича таклифларга эътибор қаратамиз.

2. Адабиётлар шарҳи.

Вахабов ва бошқалар (2015) давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятга аралашуш миқдосига ва тартибга солиш даражасига қараб ташқи савдо сиёсати протекционистик ва эркин савдо характерида эга бўлади деб ҳисоблайдилар.

Арустамов ва Андреевалар (2011) товарлар, ишчи кучлари, молиявий ресурслар, технологиялар ва маълумотлар халқаро ҳаракати орқали узлуксиз ўсиб бораётган оқимлар глобал инфратузилмани ривожлантириш ва такомиллаштиришни тезлаштиради деб таъкидлашади.

Гладков (2014) жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврда халқаро товарлар савдоси ривожланишига халқаро рақобат ва етакчи экспортёр давлатлар ўртасидаги кучлар мувозанатининг ўзгариши таъсир кўрсатади деб ҳисоблайди.

Киреев (2000) товар ва хизматлар халқаро ҳаракати рағбатлантирувчи омиллар, ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати, ишлаб чиқаришнинг халқаро хусусиятларига, шунингдек, халқаро савдо назариялари, давлатнинг ташқи савдони тартибга солиш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмларига алоҳида эътибор қаратилган.

Прокушев ва Костинлар (2019) томонидан замонавий халқаро савдода қўлланиладиган турли хил ташқи савдо операцияларидан Россия Федерацияси, Белоруссия ва Қозоғистон Республикаларида кўпроқ фойдаланиладиган ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига жорий қилиш учун энг истиқболли бўлганлари алоҳида таъкидланган ва кўриб чиқилган.

Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятнинг инновацион ривожланишидаги ўрни (Курпаяниди ва Абдуллаев, 2018), рақобатни ривожлантиришда ташқи иқтисодий

фаолиятнинг аҳамияти Margianti (2016), Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш Илёсов ларнинг (2019) илмий ишларида тадқиқ қилинган.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, синтез, статистик гуруҳлаш, абстракт-мантиқий фикрлаш, эксперт баҳолаш, илмий-бажоратлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

Ташқи иқтисодий фаолият таркиби ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ товарлар, ишлар, хизматлар экспорти ва импортини ўз ичига олади.

Ташқи иқтисодий фаолият қуйидаги принципларга асосланади:

- ✓ ўзаро манфаатлар ва савдо эркинликлари;
- ✓ эркин тадбиркорлик;
- ✓ мулкчилик шаклидан қатъи назар ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқий тенглиги;
- ✓ ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ✓ ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқлари чекланишини олдини олиш.


Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш усуллари қуйидагилардан иборат:

- ✓ бевосита (direct) – бу товарлар экспорт ва импорти, бажариладиган хизматларни ўз ҳисобидан ва таваккалчилик, яъни рискка асосан ташкил этиш усули.
- ✓ билвосита (indirect) – бу усул экспорт ва импортни ташқи савдо бўлимлари орқали ташкил қилиш ва амалга оширишни назарда тутди.

Республикада мустақилликнинг дастлабки йилларидан миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўлида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган бўлиб, улар ичида энг муҳим ислохотлар ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган. Ушбу ислохотлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхоналарни хусусийлаштириш, нархларни эркинлаштириш ва барқарорлаштириш;
- товарлар ва хизматлар танқислигини бартараф этиш;
- миллий валютани муомалага киритиш ва инфляцияни бошқариш;
- бозор иқтисодиёти инфратузилмаси ва банк тизимини ташкил этиш;
- ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;
- ижтимоий ислохотлар ва б..

Бироқ, миллий иқтисодиёт ҳали тўлақонли ривожланмаган, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари манфаатларини ҳуқуқий қўллаб-қувватлашда айрим номувофиқлик ва қарама-қаршиликлар мавжуд. Халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори сифатли саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш эвазигагина ташқи иқтисодий фаолият, хусусан, экспортни ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигига эришиш мумкин.



1-расм. Ўзбекистон Республикасининг 2017 ва 2018 йилларда ташқи савдо айланмаси таҳлили

1-расмдан кўриниб турибдики, 2017 йилда ташқи савдо айланмаси 26566 млн.доллар, 2018 йилда эса 33430 млн.долларни ташкил қилганлигини кўриш мумкин. Экспорт 2017 йил 12554 млн.доллар, 2018 йил 13991 млн.доллар, импорт ҳажми 2017 йилда 14012 млн.доллар, 2018 йилда 19439 млн.долларни ташкил қилди. Ташқи савдо балансининг салбий сальдоси мос равишда -1458.7 ва -5448,5 млн.долларни ташкил қилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, салбий сальдо мамлакатимиздан валюта маблағларининг чиқиб кетишига олиб келмоқда. Бунинг ўрнини қоплаш учун эса юқори ликвидли табиий ресурсларни экспорт қиляпмиз. Мамлакатимиз “кичик иқтисодиёт”, яъни ички нарх жаҳон нархига таъсир кўрсата олмайдиган иқтисодиёт бўлганлиги сабабли биз жаҳон бозоридаги ўзгаришларга мослашишга мажбурмиз. Биз жаҳон иқтисодиётига ҳали тўлақонли интеграциялашмаганлигимиз, протекционистик тўсиқлар сабабли айрим савдо имкониятларидан тўлақонли фойдалана олмаяпмиз.

Таҳлилни Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги(МДХ) мамлакатлари ташқи савдо кўрсаткичлари таҳлили билан давом эттирайлик (1-жадвал).

1-жадвал

2018 йилда МДХ мамлакатлари ташқи савдо айланмалари таҳлили¹
(млн. АҚШ доллари)

№	Давлатлар	Экспорт	2017 йилга нисбатан фоизда (жорий нархларда)	Импорт	2017 йилга нисбатан фоизда (жорий нархларда)	Савдо баланси сальдоси	
						2017	2018
1.	Арманистон	2411.9	107.8	4963.2	121.1	-1859.4	-2551.3
2.	Белоруссия	33726.1	115.3	38408.9	112.2	-4994.9	-4682.8
3.	Қирғизистон	1764.6	100	4907.4	109.2	-2730.4	-3142.8
4.	Қозоғистон	60956.2	125.7	32533.5	109.9	18903.7	28422.7
5.	Молдова	2706.9	111.6	5764.3	119.3	-2406.3	-3057.4
6.	Озарбайжон	19458.6	127	11464.9	130.5	6536.7	7993.7
7.	Россия	449963.7	125.8	238151.4	104.7	130314.0	211812.3
8.	Тожикистон	1073.3	89.6	3149.5	113.5	-1576.9	-2076.2
9.	Украина	47339.9	109.4	57141.0	115.2	-6342.5	-9801.1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Арманистон, Беларуссия, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Украина мамлакатлари ташқи савдо баланси ҳам салбий сальдо билан яқунланмоқда.

¹ <http://www.cisstat.com/rus/reli2019-03-5.pdf>

2-жадвал

2018 йилда МДХ мамлакатларининг ўзаро ташқи савдо айланмалари таҳлили²
(млн. АҚШ доллари)

№	Давлатлар	Экспорт	2017 йилга нисбатан фоизда (жорий нархларда)	Импорт	2017 йилга нисбатан фоизда (жорий нархларда)	Савдо баланси сальдоси	
						2017	2018
1.	Арманистон	719,1	120,8	1490,9	110,6	-752,7	-771,8
2.	Белоруссия	18723,1	107,0	24295,2	115,3	-3577,6	-5572,1
3.	Қирғизистон	786,7	108,9	2002,5	96,1	-1361,1	-1215,8
4.	Қозоғистон	9455,3	113,9	14856,6	105,1	-5833,1	-5401,3
5.	Молдова	416,0	89,9	1449,3	120,2	-743,2	-1033,3
6.	Озарбайжон	1138,2	100,9	2862,1	119,4	-1268,0	-1723,9
7.	Россия	54619,9	113,5	26203,1	105,3	23234,8	28416,8
8.	Тожикистон	530,3	123,1	1816,5	109,7	-1225,5	-1286,2
9.	Украина	7027,0	101,6	13211,4	115,1	-4561,5	-6184,4

2-жадвал маълумотлари асосида шуни айтиш мумкинки, МДХ доирасида савдо баланси таҳлили Россиядан ташқари барча мамлакатлар салбий сальдога эга эканлигини кўрсатмоқда.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ташқи иқтисодий фаолият бир қатор ички ва ташқи омиллар таъсирида амалга оширилади. Қуйидаги ташқи омилларни келтиришимиз мумкин:

1. АҚШ-Хитой савдо уруши. Хўш, АҚШ-Хитой савдо урушининг бизга нима алоқаси бор?

Хитой бизнинг ташқи савдо ҳамкорларимиз ичида етакчилик қилмоқда. Биз ушбу давлатга табиий газ, нефть, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни экспорт қиламиз. Агар "Савдо уруши" тўхтамаса, бу ўз-ўзидан Хитойда ишлаб чиқариш секинлашувини тақозо этади. Чунки, Хитой ва АҚШ савдо айланмаси йиллик 600 миллиард долларни ташқил қилиб, ҳар йили Хитой АҚШ бозорига қиймати 400 миллиард доллардан зиёд маҳсулотни етказиб беради. Яъни, дунёдаги энг катта импортёр ва Хитой учун энг катта бозор бу АҚШдир. Бошқа тарафдан юқорида таъкидлаганимиздек, Хитой бизнинг ҳам энг катта савдо шерикларимиздан ҳисобланади. Шундай экан, АҚШ билан давом этаётган савдо урушидан жиддий зарар кўрадиган Хитой Марказий Осиё мамлакатларидан маҳсулот импортини камайтириши, ҳарид нархларини пастлатиши ёки умуман тўхтатиши ҳам мумкин.

2. Россияга нисбатан жорий этилаётган санкциялар.

Булар иқтисодий, савдо, дипломатик, маданий ва бошқа чеклашлардир. 2010 йилдан бери шу ва бошқа омиллар сабаб Россия кучли ривожланиш йўлига туша олмаяпти. Мамлакат қазилмаларга боғлиқ қолган иқтисодиёт мақомидан чиқа олмаяпти. Натижада иқтисодиётда турғунлик юзага келиб, рублнинг долларга нисбатан қадри сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Илгари 1000 долларга ишлаётган мигрантлар бугун 400-500 долларгагина ишламоқда. Миллионлаб мигрант ишчиларимиз ишлаётган давлатдаги бу ҳолат бир неча миллиард долларлик пул ўтказмаларимизга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг тўққиз ойида жисмоний шахслар Ўзбекистонга жами 4,5 млрд доллар юборди. Пул ўтказмаларининг камайиши мигрант оиласининг ҳарид қобилиятига таъсир кўрсатиб, ялпи истеъмол ва ялпи ички маҳсулотни камайишига олиб келмоқда. Бундан ташқари рублнинг долларга нисбатан

² <http://www.cisstat.com/rus/reli2019-03-5.pdf>

арзонлашуви Россия фуқароларининг ҳам харид қобилиятини пасайтирмақда. Бу Ўзбекистон товарларининг Россия бозорида сотиш ҳажмининг қисқаришига олиб келмоқда.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимиздаги протекционизм сиёсати қуйидаги салбий ҳусусиятлари билан миллий иқтисодий таъсир кўрсатади:

- Аҳоли турмуш даражасида соф йўқотишларнинг ортиб кетиши. Импорт божлари киритилганидан кейин харидорлар олиб кирилган товарлар учун янада юқорироқ ҳақ тўлашга мажбур бўлишади. Бу истеъмол сарфларини орттириб, инвестицияларга айланиши мумкин бўлган жамғармаларни камайишига олиб келади.

- Мамлакатлар томонидан тариф чеклашларини жорий этилишининг занжир реакцияси билан боғлиқ халқаро кўпайтирувчи эффектнинг пайдо бўлиши. Яъни, ҳар бир давлат томонидан импортга бож қўйилиши натижасида товар нархи ортади.

- Иқтисодий самарасиз фаолият юритаётган соҳалар ва корхоналарнинг сақланиб қолиши. Протекционизм томонидан ҳимояланаётган соҳалар рақобатсиз муҳитда эски техника ва технологиялар асосида ишлашда давом этади.

- Иқтисодий соҳада коррупция ва ўз мансабини суистеъмол қилишнинг бошқа кўринишлари кенг тарқалади. Бу эса одатда ташқи иқтисодий фаолиятнинг криминаллашуви учун шароит яратади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, яқин йилларга қадар қўшни давлатлар билан ташқи савдо айланмаси мамлакатларнинг иқтисодий имкониятларини тўла акс эттира олмаган. Мавжуд имкониятларимиздан янада тўлиқроқ ишга солиш, ривожланган давлатлар орттирган амалий тажрибадан фойдаланиш ҳамда юқоридаги таклифларни ҳаётга тадбиқ этиш асосида биз экспорт салоҳиятимизни янада оширишимиз, халқаро савдодаги ўрнимизни мустаҳкамлашимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантиришда қуйидагиларни таклиф этамиз:

- Экспортни ривожлантириш агентликлари(Кичик бизнес администрацияси давлат агентлиги-Small Business Administration)ни ташкил қилиш;

- Экспортни сугурталаш тизими ва экспорт кредит агентликлари фаолиятини ривожлантириш;

- АҚШ билан ижобий савдо-иқтисодий алоқаларни давом эттираётган мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаган маъқул. Мисол учун, Ҳиндистон. Ҳиндистон аҳоли сони бўйича иккинчи ўриндаги мамлакат сифатида бозори анча катта.

- Навбатдаги мўлжал Япония ва Жанубий Корея ҳисобланади. Жанубий Корея биз учун стратегик савдо ҳамкори ҳисоблансада, биз учун салбий сальдо сақланиб қолмоқда. Япония йилига салкам 600 миллиард долларлик маҳсулот импорт қилувчи гигант бозор бўлиб, япон бозори қоидаларини яхши ўзлаштиришимиз зарур.

- Янги бозорлар учун янгича руҳдаги савдо битимларини тузиш ва Жаҳон савдо ташкилотига кириш аҳамиятли бўлади.

Юқоридагиларга эришиш учун эса эркин савдо битимлари ва Жаҳон савдо ташкилоти бўйича алоҳида ва узоқни кўзлаган стратегия ишлаб чиқишимиз зарур. Бундай стратегияни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш учун бизга халқаро иқтисод ва унинг ҳуқуқини (савдо, инвестиция, молия, солиқ каби) яхши ўзлаштирган кадрлар ва самарали фаолият юритадиган институтлар керак. Жаҳон савдо ташкилотининг савдога кўмаклашиш ташкилоти (World trade promotion organization) маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунёда асосий вазифаси ташқи иқтисодий фаолиятга кўмаклашиш, биринчи навбатда миллий экспортни қўллаб-қувватлаш иборат бўлган 178 та ташкилот мавжуд. Биз ҳам шундай ташкилотлар билан самарали алоқаларни йўлга қўйишимиз ва экспорт фаолиятини янада ривожлантиришда улар имкониятидан самарали фойдаланишимиз зарур.

Адабиётлар:

Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiev Sh.X. (2015). Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. – Toshkent.: Baktria press,. -584 b.

Kurpayanidi K.I., Abdullaev A.M. (2018). Activation of foreign economic relations on the basis of innovative development //Practice of Uzbekistan/LAP LAMBERT Academic Publishing, European Union, Germany.

Kurpayanidi K.I. (2018). Questions of classification of institutional conditions, determining the structure of business management in Uzbekistan //ISJ Theoretical & Applied Science. Т. 9. №. 65. – С. 1-8.

Margianti E.S. ets. (2016). Entrepreneurship in Uzbekistan: trends, competitiveness, efficiency //Indonesia, Jakarta, Gunadarma Publisher.

Арустамов Э.А., Андреева Р.С. (2011). Внешнеэкономическая деятельность: учебник / М.: КНОРУС. 168 с.

Гладков И.С. "Посткризисная эволюция международной торговли"//Международная экономика, №7, 2014. с.31-38

Илёсов А.А. (2019). Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш имкониятлари таҳлили. Молодой учёный. № 27 (265) Июнь. ISSN 2072-0297

Прокушев, Е.Ф. (2019). Внешнеэкономическая деятельность: учебник и практикум для прикладного бакалавриата / Е.Ф. Прокушев, А.А. Костин; под редакцией Е. Ф. Прокушева. 10-е изд., перераб. и доп. Москва: Издательство Юрайт. 450 с.

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ

PhD, Гиясов С.А.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация: Мазкур мақолада корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўллари очиб берилган. Инновацион фаолият ҳамда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари учун мўлжалланган солиқ имтиёзларининг амалдаги ҳолати таҳлили амалга оширилган. Корхоналарнинг инновацион фаоллигини оширишда солиқ рағбатларидан самарали фойдаланишнинг илғор хориж тажрибаси ва амалиёти ёритилган. Тадқиқот натижаси юзасидан тегишли хулосалар шакллантирилиб, илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ имтиёзлари, инновацион фаолият, илмий тадқиқот, корхоналар, бюджет, иқтисодиёт, механизм, ишланмалар, солиқлар воситасида рағбатлантириш.

1. Кириш

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариллашгани таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Жаҳонда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш усули бюджетдан бевосита молиялаштириш усулига нисбатан аксарият мамлакатлар томонидан фаол фойдаланиб келинмоқда. Масалан, Франция, Бельгия, Голландия, Португалия, Греция, Канада, Ирландия, Корея, Япония ва Австралия каби мамлакатларда бунга алоҳида эътибор берилмоқда (OECD Science, 2017). Агар инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларининг турли схемалари 1996 йилда жаҳоннинг 20 та мамлакатлари томонидан фойдаланилган бўлса, 2017 йилда 50 дан зиёд, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг 35 та аъзо мамлакатларидан 30 таси, шунингдек, Аргентина, Чили, Колумбия, Перу, Коста-Рика, Малайзия, Индонезия, Таиланд ҳамда БРИКС мамлакатларининг барча бешталиги томонидан фойдаланиб келинмоқда (Клавдиенко, 2015).

Ҳозирда етакчи халқаро молия институтлари, илмий тадқиқот марказлари ва ривожланган давлатларда солиққа тортиш механизмларини такомиллаш-тириш масалалари, хусусан, солиқлар воситасида иқтисодиётни самарали тартибга солиш, солиқнинг рағбатлантириш функциясидан оқилона фойдаланиш, инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш, инновацион фаолликни оширишда солиқларнинг ролини кучайтириш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюрolari, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар ва «ноу-хау»лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак (Мирзиёев, 2018). Мамлакатимизда сўнги йилларда тадбиркорлик субъектлари учун қулай солиқ муҳитини яратиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, инвестициялар оқимини кучайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзлари жорий қилинди. Бироқ, мазкур солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг ҳуқуқий асосларида номувофиқликлар мавжудлиги, солиқ имтиёзлари натижаларини мониторинг қилиш механизмнинг